

Oila va jamiyat



@oilavajamiyatgazetasi_bot

BOLALAR BOG'CHASIDA UCH KUN

Кузатдим. Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда кўллаб “ёмон боғча опалар” ҳақидаги мақолалар чоп этилди. Масалан: “Боғча пулларини ўзлаштирган “боғча опалар” жиноий жавобгарликка тортиладими? Ёки “Боғча опалар билан сериалхонлик”... Ҳамкасбларимнинг тарбия масканларидаги боғча опалар ҳақида куюниб қалам тебратишлари бежиз эмас албатта. Боиси ёш болаларнинг характер хусусиятлари шаклланишида ота-онадан ҳам кўпроқ боғча муҳитининг, айниқса, боғча опаларнинг ўрни беқиёс.



●5

Ayollar RASHKI xavflimi?



Оилалар ажримининг икки фоизига яқини рашк туфайли экан. Демак, арзимаган сабаб билан ўн оиланинг иккитаси рашк туфайли пароканда бўлади. Агар аёлни эри рашк қилса нари борса касбидан воз кечади. Аммо аёл эрини рашк қилиб кўзини очирмаса касбидан воз кечиб уйда ўтиролмайдик-ку. Тасаввур қилинг, уйга ҳориб-чарчаб келган эрни қўлини белига тираган аёл “қаердайингиз?”, “нега телефонни кўтармадингиз?”, “қайси хушторингизни олдидан келаяпсиз” ва ҳ.к дея кутиб олса ёки телефонини титкиласа, изқувардек ишхонасига излаб борса, дўстларидан суриштирса эркакнинг ҳаёти нақд дўзахга айланмайдими? ●4

O'zbekiston xalq artisti Erkin KOMILOV:

ILM ULUG', ILM O'RGATUVCHI MO'TABAR



Анджон вилоятининг Хўжаобод туманидаги Куфа қишлоғида туғилганман. Бу юртимизнинг энг чекка қишлоқларидан бири ҳисобланади. Мактаб ёшимиз 1950 йилларга тўғри келди. У пайтларда ростмана мактаб қаёқда дейсиз, шароити бор кишининг уйидаги бўш хоналардан синфхона сифатида фойдаланардик. Синглим иккаламиз битта сиёҳдон билан битта ручкани ўртада ишлатганимиз боис, ҳар кун уни мактабдан қайтишини интиқлик билан кутиб ўтирардим. ●3

“Kutmoq va umid qilmoq kerak”

Авалло, асар муаллифи ҳақида тўхталиб ўтсак. Буюк француз ёзувчиси Александр Дюма 1802-йил 24-июль кунини Виллер Котре шаҳрида таваллуд топган. У ўзининг адабий фаолиятини 23 ёшида, драматург сифатида бошлайди. Илк тарихий романини 1835 – йилда эълон қилади. Шундан кейин уни

романнавис сифатида дунёга машҳур қилган “Уч мушкетёр”, “Иигирма йилдан сўнг”, “Виконт де Бражелон” каби тарихий-саргузашт услубида ёзилган бир қанча романлари кетма-кет олам юзини кўра бошлайди. Бу асарларнинг қаҳрамонлари умумий бўлиб, улар асардан асарга кўчиб юрар, руҳиятларидаги хушчақчақлик, топқирлик, мағрурлик ва жасурлик,

айни пайтда ҳар қандай ғовга қарши кураша олиш қатъияти билан бир-бирига ўхшаб кетарди. Жумладан, ёзувчининг “Граф Монте-Кристо” асари ҳам, мардликни улуғлайдиган, инсонни энгилмасликка чорлаб, ҳар қандай вазиятда олдинга интилиш лозимлигини тушунтирувчи асарлар сирасидандир. ●7

Otashnafas Shoir, Adolatpesha Hukmdor

Улуғ ва мутафаккир ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бизга қолдирган адабий мероси нафақат халқимизни, балки кўплаб қардош халқларнинг ҳам эътирофига сабаб бўлиб келмоқда. Унинг ғазалларининг жозибадорлиги эса таҳсин айтишга арзийди десак, асло муболага қилмаган бўлаемиз.

"Бобурнома"ни мутлоа қилган ҳар бир инсон буюк саркарда ижодкор бобомизнинг салтанат жиловы билан бирга қаламни маҳкам тутганлигига амин бўлади. Манбаларда ёзилишича Бобур ҳазратлари ўз замондоши ҳисобланган Мир Алишер Навоий ижодини қадрлаган "Алишербек" дея алоҳида эъзоз билан тилга олган. "... Ҳеч ким онча кўп ва ҳўб (шеър) айтқон эрмас" деб буюк бобомизнинг ижодига муносабат билдирган. Демак, Бобур ҳазратлари тождор бўлиш билан бир вақтда шеър санъатини мукамал ўзлаштирган. Бу борада қанча сўз юритилса ҳам мухтасар бўлмаслиги бор гап. Қисқа умри давомида ёзган ва бизга қолдирган ҳар бир ғазалида олам-олам маънолар мужассам. Айрим мухлисларнинг Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобомизнинг ижоди тўғрисида "тушуниб олиш қийинроқ" қабилидаги сўзлари, афсуски баъзан Мирзо Бобур ижодига нисбатан ҳам қўлланилади. Ростдан ҳам шундаймикан? Биз айни дамда Бобур Мирзонинг ғазалларидан таҳлил қилишга ҳаракат қилсак.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалига муҳаммас:

*Бу кеча кулбамга келди ул
куёшим ёшурун,*

*Қарнларда келмади ҳаргиз
мунигдөк кечқурун.*

Бу байтнинг ўқиган киши албатта



"Бобурнома"ни мутлоа қилган ҳар бир инсон буюк саркарда ижодкор бобомизнинг салтанат жиловы билан бирга қаламни маҳкам тутганлигига амин бўлади. Манбаларда ёзилишича Бобур ҳазратлари замондоши ҳисобланган Мир Алишер Навоий ижодини қадрлаган "Алишербек" дея алоҳида эъзоз билан тилга олган. "... Ҳеч ким онча кўп ва ҳўб (шеър) айтқон эрмас" деб буюк бобомизнинг ижодига муносабат билдирган.

бирор мукамаллиқни сезмаслиги табиий. Биринчи сатрда келган фикр: бир қуёш, яъни қуёшга ўхшаш юзли севгилим яширинча кулбамга келди, дейилган бўлса, энди фикрнинг жонланиши иккинчи сатрда намоён бўлади: Қарн-бу сўз кўп йиллик вақтни ифодалайди, яъни севгилим кўп вақтлардан бери бундай кечқурун келмас эди дейилмоқда.

*Оғзидек тор фурсати васли, вале,
ҳижрон туни,*

*Ул муанбар сочи янглиғ ҳам қоронгу,
ҳам узун.*

Бу ерда сўз ўйини ва мутуйба(ҳазил) ишлатилган. Фурсати оғзидек кичкина яъни келибдию фурсати оз, айрилиқ туни эса муанбар – анбар бўй(ҳид)ли хушбўй, ҳам қоронгу, ҳам узун. Яъни тун ҳижронли, аммо шунчалик ёқимлики, унинг сочининг хушбўйлигини ифодалайди дея сўзга жозиба юклатилади.

*То ҳаёли оразинг тушти кўнгулга,
эй қуёш,*

*Бўлди кўнглим бир ёнар ўту
сўнғақларим – ўтун.*

Энди биринчи сатрдаги тилга олинган ўша "қуёш"га мурожаат қилиниб: юзининг ҳаёли-ўйи кўнглимга тушди, ундан кўнглим бир ёнар ўт-олов бўлса, суяқларим – ўтинга айланди дея ташбеҳ санъати намоён қилинади.

*Бўлди кўнглимда гириҳ ҳасрат
онинг тор оғзидин,*

*Бор магар жисмим менинг тору
кўнгул анда тугун.*

Кейинги байт: Кўнглимда ҳасрат гириҳи(туғуни, чандиғи) пайдо бўлдики, агар жисмим бўлса, шу жисмим ҳам жуда тор(қоронгу) кўнглим эса ундаги тугундир, деган фикрни ифодалайди. Шу ўринда бир фикрга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб топдим: биринчи байтдаги "тор"сўзи кичкина маъносини аналтас, иккинчи байтдаги "тору" сўзи қоронгу маъно-

сида ишлатилиши натижасида сўз санъати пайдо бўлишига эришилиши таҳсинга лойиқдир.

*Олғали жонимни ҳижронга ҳавола
қилди ёр,*

*Кўйма ҳижронга, ажал, жонимни ол,
тенгери учун!*

Кейинги фикр: Менинг жонимни ёр ўзи олмасдан ҳижронга ҳавола қилди, аммо ажал сен унга имкон қолдирмасдан Оллоҳ йўлида жонимни ўзинг ол деб фикр айтади.

*Сарвдөк қадди фироқиди
фиғонимдур баланд,*

*Гул киби рухсори ҳажрида
ёшимдур полагун.*

Навбатдагиси: Сарвдөк бўйининг фироқиди фиғоним-оҳу-нолам жуда баланд бўлса, гулга ўхшаш рухсори-юзининг ҳажрида кўз ёшларим полагун, қип-қизилдир дейилади. Халқимиз тилида "қон қақшаб йиғлади. Кўз ёшлари қондек оқди"(гарчи кўз ёш қизил ранг касб этмаса ҳам) ибораси кўп ишлатилади. Ҳазрат бу байтда шунга ишора қилиб жумла тузганликлари аён бўлади.

*Ишқ ила девоналиғда бўлмишам
соҳиб камол,*

*Ишқ аҳли, эмди Бобурни
дегайсиз зуфунун.*

Бу байт яна жозибадорлик касб этади: ишқ билан девона-телбалликда соҳиб камол – камолот эгаси бўлдим, яъни бу борада етук киши бўлдим, шундай экан ишқ аҳли – ишқни тасаввур этганлар сиз энди Бобурни зуфунун – олим, аллома деб ҳисоблайсиз, дейилган. Шу сатрдаги "дегайсиз зуфунун" жумласининг ўзи ҳам икки хил маъно касб этяпти. Яъни энди бундан кейин Бобурни ҳаргиз олим деб атангиз, дейилса, иккинчи бир қарашда Бобурни бу соҳада олим деб биласиз, бошқа йўли йўқ деб тушуниш ҳам мумкин бўлади.

Сулаймон ҲАЙДАР

ИХТИРОСЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАР TANLOVI

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил этилган Ихтирочи аёллар маркази билан ҳамкорликда "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" республика танлови ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда.

Кўни кеча Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетидида танловнинг якуний босқичи ҳамда танлов доирасидаги «Ихтирочи аёллар-2020» форумида иқтидорли хотин-қизларнинг ишланмалари, макет ва инновацион маҳсулотлари асосида кўргазма ташкил этилди. Унда ҳудудлардан саралаб олинган 300 га яқин хотин-қизлар, энг яхши илмий-тадқиқот ва ишланма муаллифлари 10 дан ортиқ номинациялар бўйича етакчи эксперт ва мутахассислар ҳузурда ишланмаларининг тақдимотини ўтказиб, ихтироларининг ўзига хослиги, ноёб жиҳатлари хусусида маълумот бердилар.

Мазкур танлов натижасида келгусида иқтидорли хотин-қизларнинг тегишли соҳа корхоналарининг илмий, техник ва технологик масалалари бўйича олинган патенти асосида инновацион лойиҳалар тайёрланади. Шу билан бирга Инновацион ривожланиш вазирлиги, агентликлар, холдинг компания-



лари, акциядорлик жамиятлари, соноат корхоналари ва бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган танловларда тадқиқотчи аёллар ўз лойиҳалари билан қатнашиши бўйича ташкилий ишлар амалга оширилади. Шунингдек, уларни хорижий мамлакатларга малака ошириш, тажриба алмашишга юбориш ҳамда халқаро танловлар, семинарлар ва кўргазмаларда иштирок этишлари йўлга қўйилади. Бундан ташқари, яратилган янги маҳсулотлар, техника,

технологиялар асосида ишлаб чиқариш корхоналари очилган учун кредит ажратиш ишлари жорий этилади.

– Мен яратган ушбу қурилма тўлдирувчи материаллар ёрдамида чанг, газларни тозалаш ускунаси деб номланади, – дейди мазкур лойиҳа раҳбари Гулмира Келдиёрова. – Бу айниқса соноат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарида жуда асқотади. Ускуна учун ишлатиладиган материаллар – осенковий лист,

керамзит, сув пуркагичлар, яъни форсункалар деталлардан иборат бўлиб, қурилма кетилорд етишмовчилигининг олдини олиш, организмнинг кўз илғамас имкониятларини ишга туширишда яқиндан ёрдам беради. Ускуна ишлаб чиқариш корхоналари, заводлардан чиқаётган ҳар хил зарарли моддалар, чанг, газларни бартараф этиб, тоза кетилорд етказиб бериш билан бирга атраф-муҳит ифлосланишининг олдини олади.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг «Рақамли электроника ва микроэлектроника» кафедраси доценти Уғиллой Қурбонова ҳам ўзи яратган Қуёш элементлари асосида ўқувчиларга физика фанини ўқитишга мўлжалланган янги турдаги ўқув лаборатория асбоблари туркумини яратиб ва уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси билан қатнашди.

Мазкур тадбир танловнинг якуний босқичи ҳисобланиб, инновацион лойиҳалар ичидан 100 та энг муносиблари саралаб олинди. Улар республика экспертлар кенгаши томонидан қўриб чиқилади ва тақдимотлар эшитилиб, кенг муҳокама қилинади. Танлов ғолибарини тақдирлаш маросими яқин кунларда ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Чарос Усмон кизи

O'zbekiston xalq artisti Erkin KOMILOV:

ILM ULUG', ILM O'RGATUVCHI MO'TABAR

Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги Куфа қишлоғида туғилганман. Бу юртимизнинг энг чекка қишлоқларидан бири ҳисобланади. Мактаб ёшимиз 1950 йилларга тўғри келди. У пайтларда ростмана мактаб қаёқда дейсиз, шароити бор кишининг уйдаги бўш хоналардан синфхона сифатида фойдаланардик. Синглим иккаламиз битта сиёҳдон билан битта ручкани ўртада ишлатганимиз боис, ҳар кунни уни мактабдан қайтишини интиқлик билан кутиб ўтирардим.

Ёз пайтлари ўқишимиз унча мушкуллик туғдирмасанда, биз болаларга қишда жуда қийин эди. Совқотиб қолмаслик учун мактабга қалин пахтали шим, ҳамма ёғи ямоқдан иборат эски пальтолар кийиб, баъзан шунда ҳам совуқдан оёқ-қўлларимиз увишиб қоларди. Ҳар замонда бир кўмир солиб ёқиладиган печка шу даражада тутаб кетардики, ҳаммамизнинг кўзимиз ачишиб, йўтал тутар эди. Аммо бундай кўнгилсизликлар мурғак қалбимизни ҳеч қачон ўқиш, илм олишдан совутган эмас. Аксинча, қўлбола мактабимизда шундай қийинчиликлар билан кўз олдимизда очилаётган янги дунё – маърифат дунёси бизни тобора ўзига чорларди. У вақтларда ўзимизга ёққан исталган китобни очиб ўқиш мумкин эмасди. Эски илм ва кўпгина янги ўзбек зиёлиларининг ёзган китобларини ўқиш тақиқланган бўлиб, уларни ўқиганлар ҳам оғир жазога тортиларди.

Кечагидек эсимда. Ҳам эски, ҳам янги илмдан бирдай хабардор бўлган отам Комил қори узун киш кечаларида уйимизга қишлоғимиз оқсоқолларини тўплаб қалин китоблар ўқиб берар, ўқиб бўлгач уй ичига тўшалган кигиз ва гиламни қайриб, китобни похол тагига бекийтиб қўярди. Бола эканман, ўша пайтлари агар китоб похол тагига кўмилмаса гўштга ўхшаб ҳидланиб қоларкан-да, деб ўйлабман. Кейин билсам, улар қатагон қилинган зиёлиларимиз – Абдулла Авлоний, Фитрат, Ҷўлпоннинг китоблари, қуръон ва ҳадис китоблари экан. Отамнинг: «Агар кўча-кўйда биров уйларингда китоб сақлаётган бўлисан, отанг китоб ўқиб турадики, деб сўрашса, сен «йўқ» дегин» деб қаттиқ уқтиришлари сабабини ҳам кейинчалик тушунардим. Ўша машум даврнинг ҳамма кирдиқорлари Шукрулло домланинг «Кафансиз кўмилганлар» асариде батафсил ёритилган.

Шундай таҳликали замонда, илм-маърифатга интилиш шунчалар хавфли саналган бир даврда менга «Алифбе»ни танитган биринчи устозим, ҳали-ҳанузгача ўзим учун оламдаги энг билимли, мартабаси ниҳоятда улуг деб ҳисоблайдиган зот – Роҳиддин ака Тиллаев эдилар. Ҳозирги болалар учун балки бу кулгилидир, лекин биз у вақтларда ўқитувчи зотнинг одамга ўхшаб овқат ейишига, ҳамма одамлар каби чой ичишига ишона олмас эдик. Ўқитувчи аталмиш мўътабар зот шу қадар илоҳий, шу қадар сирли ту-



“Кечагидек эсимда. Ҳам эски, ҳам янги илмдан бирдай хабардор бўлган отам Комил қори узун киш кечаларида уйимизга қишлоғимиз оқсоқолларини тўплаб қалин китоблар ўқиб берар, ўқиб бўлгач уй ичига тўшалган кигиз ва гиламни қайриб, китобни похол тагига кўмиб қўярди. Бола эканман, ўша пайтлари агар китоб похол тагига кўмилмаса гўштга ўхшаб ҳидланиб қоларкан-да, деб ўйлабман.”

юлар эди биз учун. Ўқитувчимиздан бирор ёмон гап эшитиш у ёқда турсин, қовоқ уюб қараш ҳам бизларга оғир жазо ҳисобланарди. Ўқитувчимизнинг баъзида одатдагидан қаттиқроқ койган, ҳатто хивич билан савалаган пайтлари ҳам кўп бўлган. Бундай пайтларда биз ўқитувчимиздан эмас, бизга илм ўргатаётган улуг зотнинг жажлини чиқарганимиз туфайли ўзимиздан хафа бўлиб кетардик. Ўқитувчимиз томонидан жазоланганимизни уйдагилардан имкон қадар яширардик. Чунки уйимиздагилар бу ҳақда эшитиб қолишса «нима бўлди?! Дарсингни яхши тайёрламаган эдингми?! Нега ўқитувчининг сендан жажли чиқади!» деб баттар уришишар эди. Булар ҳаммаси илмнинг улуглиги, илм ўргатувчининг мўътабарлигидан бўлса керак. Зеро, Соҳибқирон бобомиздай қаҳри қаттиқ зот ҳам ҳеч қачон илмли одамнинг бошида қилич

Ҳеч қачон Осмонга Ота-онам ўғитишга амал қилиб, бир умр камсуқум ҳаёт кечиртишга ҳаракат қилдим. Сенларга ҳам нуқул “камтарин бўл”, “камтарин бўл”, деб қулогингга қўйиб келдим.

Афсуски, камтаринлик нодонлик, андишани кўрқоқлик, хокисорликни хорлик деб санайдиганлар оз эмас экан! Камтарин бўл, аммо камтарлик ортида гуруринг яққол кўришиб турсин! Андишали бўл, аммо андишасиз олдиде ҳеч қачон тилингни қисқ қилма! Икки букилибтаъзим қилганга уч букилиб таъзим бажо айла. Аммо қаршингда тоғдек кериладиганлар олдиде қаддинени осмон қадар тут! Бир юзингга урсалар, икки юзига уриб, жавоб қил! Фарзандларинга ҳам шуну ўргат!

Ёшим бир жойга борганда англаб етган ҳақиқатим шу бўлди..кўтариб юради.

сермаган эмас. Ҳам амир, ҳам буюк мутафаккир саналган Навоий ҳазратларидай даҳо инсоннинг илк ҳарфларни танитган устози фарзанди билан отда туриб сўрашишга ҳадди сифмасдан, отдан тушиб эҳтиром кўрсатганининг ҳикмати ҳам ана шунда. Шунинг учун хоҳ тарихга назар солинг, хоҳ кўз олдингиздаги ҳаётни кузатинг, устозини эъзозлаган, ҳурмат қилган бирорта одамнинг хор-зор бўлганини, жамият олдиде юзи қора бўлганини кўрмайсиз. Ўз касбиде баланд даражада, баланд мартабаларга эришган, Худонинг ҳамда халқнинг назари тушган инсонлар борки, улар барчаси устози ва ота-онасини рози қилган, уларнинг дуоларини олган кишилардир.

Она инсонни ерга туғади, устоз кўкка кўтареди, деган гап бор. Таълим берган устозини ранжитишни, қаттиқ гапирганда қўнглига оғир олишни, мен ота-онасига оқибатсизлик қилишдан ортиқ деб билсам биламанки, кам деб ҳисобламайман. Болалиқда инсон билмаслиги, тушунмаслиги мумкин, лекин улғайган албатта англаб етати, устози унга сира ёмон бўлсин деб танбех бермайди. Устозининг ҳар бир танбехидан тўғри хулоса чиқара олган инсон, ерга уруғ қадаган инсон. Катта ҳаёт саҳнасига қадам қўйгач, у бир кунни албатта бу уруннинг ҳосилини ўради, ширин-шакар меваларидан татийди. Ёшим бир жойга борганда мана менинг ўзим ўша болалигимда хивич билан савалаган муаллимимни гоёта миннатдор бўлиб, меҳрим товланганидан ҳаттоки дийдам тўлиб эса оламан. Ахир болалик каби, ота-она каби, муаллим-устоз ҳам ганимат экан-да...

Ҳозирги кунда болалиқда менга дарс берган ўқитувчиларнинг ҳаммаси оламдан ўтди. Аммо улғайиб, санъатни танлаганим туфайли жуда кўп устозларнинг таълимини олишга, ўғитларини тинглашга муваффақ бўлган эсам-да, барибир болалигимда таълим берган ўша камтарин ўқитувчиларим дастлабки устозларимдир. Ҳарф танитган муаллимим Роҳиддин Тиллаев эса – ҳам ҳаётдаги, ҳам санъатдаги биринчи устозим бўлиб қолаверди.

Б. ҚўЛДОШЕВ
оққа кўчирди

Математика дарсларида дидактик ўйин ва бошқотирмалардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мантиқий фикрлаш ва ҳозиржавоблик қобилиятларини янада ривожлантиради. Уйинлар давомида болалар ўзларини жуда эркин ҳис қила бошлайди.

Улардаги шижоат ва завқни кўриб қувониб кетаман. Бошланғич синфларда компьютерли ўқитиш эса предметлар муҳитининг элементларини ўзгартирувчи ва бойитувчи сифатида қаралади. Бошланғич синф ўқувчиларида айнан бундай ёшда боланинг ақлий қобилиятларини жадал ривожланиш жараёни кечади, унинг интеллектуал салоҳияти ривожланиши учун пойдевор яратилади. Ўқув жараёнида педагогик, инновацион ва ахборот технологияларидан фойдаланиш бошланғич таълимнинг долзарб масалаларини самарали ечиш учун имконият яратди. Жумладан, ўқув жараёнини қизиқарли ва махсусдор қилиш

ҳисобига ўқувчида материални англаб олиш мотивацияси ортади.

Компьютерларнинг ўқув жараёнига жадал кириб келиши педагоглар ҳаётида мисли кўрилмаган даражада ўқитишнинг янги турларини, шакллари келтириб чиқарди. Бошланғич таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш иккита асосий масалани ечиш билан боғлиқ: болаларни янги техникавий воситалардан фойдаланишга ўргатиш ва ўқувчиларнинг ўқиш ва ўқишдан ташқари фаолиятида янги имкониятларини очиб ҳамда такомиллаштириш мақсадида компьютер технологияларидан фойдаланиш.

Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, дарсларда ахборот технологияларидан фойдаланиш педагоглар олдига жуда катта муаммоларни келтириб чиқарди.

Чунончи, замонавий педагог компьютердан фойдаланишни билиши, компьютер ёрдамида ўқитиш воситаларидан фойдалана олиш ва уни ўқув жараёнига татбиқ қилиш кўникмаларига эга бўлиши зарур. Масалан, 3-синф математика дарсларида, ўқув материални ўргатиш компьютерли технология асосида ташкил қилинганда ўзлаштириш сезиларли даражада яхшиланди. Ўқувчиларда дарсга бўлган қизиқиш ортиди, мустақил ишлаш кўникмаси пайдо бўлди. Уларда ижодий ёндашувлар пайдо бўла бошлади, ўзига ва билимига бўлган ишонч шаклланди. Айниқса, бошланғич мактабда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб дарс жараёнини ташкил қилиш долзарб ҳисобланади. Чунки 1-4-синф ўқувчиларида кўргазмали-образли

фикрлаш ривожланган, шу боисдан ҳам дарс жараёнини компьютер технологияларидан фойдаланиб ташкил қилиш муҳим. Бунинг учун сифатли кўргазмали материалларни мақсадли тарзда тайёрлаш ва ундан фойдаланиш зарур. Бошланғич мактабда турли дарсларда АКТдан фойдаланиш ўқитишнинг кўргазмали-тасвирли-тушунтириш услубидан фаолиятли услубга ўтишга имконият яратади, бунда ўқувчи ўқув жараёнининг фаол иштирокчисига, субъектига айланади. Бу эса ўқувчида билимини анлаган ҳолда ўзлаштиришга имкон яратади.

Замира ТУСМАТОВА,
Бувайда туманидаги
10-умумтаълим мактаб
ўқитувчиси.

Ayollar RASHKI xavflimi?

Турмуш ўртоғингизни рашк қиласизми? Рашк қилмайдиган аёл борми демоқчимисиз? Биз ҳам фикрингизга қўшилаемиз. Аммо рашк меъёрдан ошиб кетсачи? Унда аёл учун ҳақиқий дўзах азоби бошланади. Қўрқувга қоришган эғалик ҳисси муҳаббат белгиси эмас.

РАШК АЗОБИДАН КУТУЛОЛМАЯПМАН...

Ҳа, рашк жуда азобли туйғу. Бундан ҳар иккала томон ҳам жабр кўради, азоб чекади. Рашк қилувчи аёл ўз гумонларидан азобланади. Гумондор эса ўзини оқлайолмай овора. Рашкнинг икки хил кўриниши мавжуд. Асосли ва асоссиз рашк. Сиз турмуш ўртоғингизни асосли рашк қилаёпсизми ёки асоссизми? Аввало, шуни аниқлаб олинг. Асосли рашк бу ўз исботини топган рашк. Асоссиз рашк эса фақат шубҳагумонлардан иборат тасаввурингиз ҳосиласи. Буни энди хасталик дейиш мумкин. Ҳа, ҳа, ишонаверинг ХАСТАЛИК. Туйғуларимизнинг хоҳ у ижобий бўлсин, хоҳ салбий меъёрдан ошгани хасталик ҳисобланади. Бутун умр эрини асоссиз қизганиб яшаётган аёллар бахтли кунларини елга созувган билан баробар. Ҳўш, ўн йил эрингизни рашк қилиб нимага эришдингиз? Фақат орангиз совуғани қолди бу бир. Яна ўн йил шундай рашк қилиб яшадингиз мумкин. Аммо сизнинг шубҳаларингиз ҳеч қачон ўз тасдиғини топмайди, азоб қачонингиз қолади. Рашк азобидан қачонки "мен рашк касаллигига чалинганман, бу хасталиқдан кутулишим керак", деган кунингиз "соғаясиз". Ҳўш, аёл кишининг эрини рашк қилишига нималар сабаб? Бу борада турмуш ўртоғининг касби нечоғлик роль ўйнайди?

Турмуш ўртоғингиз талабами?

Ҳа, орамизда сиз каби эри талаба аёллар ҳам учрайди. Табиийки, уни сиз курсдошларидан қизганиб рашк қиласиз. Аммо шубҳаларингиз ноўрин. Сабаби, талаба қизларнинг орзулари бир олам бўлади. Оқ от минган шаҳзодасини кутиб унча-мунча йигитга қайрилиб қарамайди. Оилали, уйланган йигит эса улар учун шунчаки курсдош. Атрофида уйланмаган, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган йигитлар парвона бўлиб турганида сизнинг "ёши ўтиб қолган" турмуш ўртоғингиз мутлақо қизиқтирмайди.

Шифокорми?

Демак, у киши тунги навбатчилик



“ Демак, сиз эрингизнинг ҳамкасби бўлган аёлга ён бераёпсиз. Жанжал-тўполонингиз билан ўша аёлга бўлган қизиқишини орттираяпсиз. Яъни ўша аёлдан рашкка сабаб бўладиган томонларини қидиришга ўзингиз йўл қўяёпсиз. Биз асоссиз рашк ҳақида гапирарканмиз, эрингизни йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас.

ларга қолади. Ичингизни ит тирнаётгандир. Лекин ҳамширалар оиласига жуда садоқатли бўлади. Биринчидан, ҳамшираларни қайноналари ўзлари яхши кўриб келин қилишган, иккинчидан, эрининг ишончини қозонгани учун тунги навбатчиликка қолади. Қолаверса, ҳамшираларнинг кўпчилиги турмуш қуриш оstonасидаги ёш қизлар бўлгани боис, уйланган йигитлар уларга кўз олайтирмайди. Агар эрингиз атрофида бева аёл бўлмаса хотиржам бўлинг.

У ички ишларда ишлайди...

Хавотирга мутлақо ўрин йўқ. Чунки ички ишлар соҳасида хотин-қизлар

Аёл – гул. Эркак – боғбон. Сен гулни хор қилсанг, уни ўзга боғбон сийпалайди... Эркак-боғбон. Аёл – гул. Сен боғбонга тикан санчсанг, у ўзга гулни сийпалайди...Икки ўртада сенинг меванг етим қолади. Худо шундан асрасин!

камчилиқни ташкил қилади. Бу соҳада ишлайдиган эркакнинг оиласи нотинч бўлса касбидан айрилади.

Чет элга ишлашга кетган...

Айб ўзингизда. Рашк азобиди қолмаслик учун чет элга жўнатмаслик керак эди. Ахир юртимизда эр-хотин кўш қанот бўлиб рўзгор тебратаетганлар кимдан кам яшаяпти? Агар

сиз нафсингизга эрк бериб эрингизни ўзга юртларга жўнатмаганингизда хозир шубҳа-гумон кўнглингизни кемирмаётган бўларди. Икки-уч йиллаб ўзга юртларда юрган ва ҳеч кимга қайрилиб қарамаган эркаклар ҳам бўлса бордир.

Аммо "кўздан йироқ, кўнгилдан йироқ" деганларидек, уларнинг садоқатига унчалик ҳам ишонч йўқ. Сизга сабр, қаноат тилаймиз. Ахир, бежизга "от айлиниб қозигини толади", деб айтишмайди.

Ҳаво йўлларида ишлайди...

Демак учувчи. Атрофида бир-бирдан чиройли стоардесса қизлар. Баъзи пайтлари ўзга шаҳарларда тунашга тўғри келади. Шубҳаларингиз асосли. Аммо сиз ўз тақдирингизни танлаб бўлгансиз. Ва энди кўнишга, кўникишга мажбурсиз. Бугун эрингиз сизга гул кўтариб келаяпти. Демак, у сизни севади, сизни соғинган. Бугун у сизнинг олдингизда. "Қачондир барибир у менга қиёнат қилади", деб қўрқаяпсизми? Нима учун эртанинг ғами билан бугунги кунингизни хароб қилаёпсиз. Тинимсиз рашк, шубҳа-гумонлар билан турмуш ўртоғингизни ушлаб туролмайёсиз. Унинг эркини жиловланган сарингиз у сиздан узоқлашади. Эсингиздан чиқарманг-а, бошқаларга қараганда сизнинг турмуш ўртоғингизда аёллар масаласида имконият катта. Шундай қилинги, шундай ишонинги, у фақат сизни ўйласин, фақат оила бағрига шошсин. Ахир биз аёлларнинг макрими "қирқ эшакка юк бўлиши" аллақачон ўз исботини топган.

Эрим санъаткор...

Уларнинг атрофида бир-бирдан чиройли, келишган аёлларнинг бўлиши табиий. Аммо санъаткорларимиз орасида ўз оиласига, аёлига садоқатли эркаклар жуда кўпчилиқни ташкил қилади. "Барибир рашк қилавераман" деяёпсизми? Демак, сиз эрингизнинг ҳамкасби бўлган аёлга ён бераёпсиз. Жанжал-тўполонингиз билан ўша аёлга бўлган қизиқишини орттираяёпсиз. Яъни ўша аёлдан рашкка сабаб бўладиган томонларини қидиришга ўзингиз йўл қўяёпсиз. Биз асоссиз рашк ҳақида гапирарканмиз, эрингизни йўқотиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Санъат ахли романтик бўлади. Севишни ҳам, севдиришни ҳам билади. Рашк билан эмас муҳаббатингиз билан уни ўзингизга жалб қилинг. У сахнадан ҳақиқий ҳаётга – уйга қайтганида уни ҳақиқий севадиган аёл борлигини чин қалбдан ҳис қилиб яшасин.

Рашкчи аёлларга...

Оилалар ажримининг икки фоизи-га яқини рашк туйғули экан. Демак, арзиманган сабаб билан ўн оиланинг иккитаси рашк туйғули пароканда бўлади. Агар аёлни эри рашк қилса нари борса касбидан воз кечади. Аммо аёл эрини рашк қилиб қўзғини очирмаса касбидан воз кечиб уйда ўтиролмайди-ку. Тасаввур қилинг, уйга ҳориб-чарчаб келган эри қўлини белига тираган аёл "қаердайдингиз?", "нега телефонни кўтармадингиз?", "қайси ушторингизни олдингиз келаяёпсиз" ва ҳ.к. дея қутиб олса ёки телефонини титқиласа, изқувардек ишхонасига излаб борса, дўстларидан суриштирса эркакнинг ҳаёти нақд дўзахга айланмайдими?

Унутманг, оиласи учун тиним билмай ишлаётган, уйга бозор-учар қилиб келаятган, сизга меҳр кўрсатаётган эркакни рашк қилиш унга тўхмат қилиш, ҳақоратлаш билан баробар.

Ўзингизни севинг. Шунда эрингиз сизга қиёнат қилмайди. Ўзингизга меҳр кўрсатсангиз рашк қилишга вақтингиз ҳам бўлмайди. Ўзига паст баҳо берадиган, ўзига ишонмайдиган аёллар рашк хасталигига дучор бўлишади. Кўзгуга қаранг – чиройлисиз, ёқимтойсиз, истаралисиз. Ҳозирок, бугуноқ энг чиройли кийимларингизни кийинг, ўзингиз учун қиммат атир сотиб олинг. Сочингизни чиройли турмаклатинг. Шубҳа-гумонлар сизни тарқ этганини юз-кўзингиз айтиб турибди. Уртангиздаги рашк деган балони ўтмишга, кечаги кунга улоқтиринг. Бугун сиз энг сеvimли рафиқасиз. Эртага ҳам худди шундай ўйланг. "Турмуш ўртоғим учун фақат мен борман, меннинг муҳаббатим бор..."

Барно СУЛТОНОВА,
журналист

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАРАҚҚИЙОТ ДАРАЖАСINI BELGILAYDI

Куни кеча Миллий матбуот марказида "Олий аттестация комиссияси фаолиятидаги устувор вазифалар" мавзусида бўлиб ўтган анжуман аввалида Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси Аҳмадбек Юсупов куйидаги фикрларини билдириб ўтди:

– Бугунги кунда Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш масаласига юсак даражада эътибор

қаратилмоқда. Хусусан, 2013-2019 йиллар давомида 3 минг 450 нафар талабгорнинг 1 минг 175 нафари фан доктори, 2 минг 275 нафари фалсафа доктори илмий даражаларига тасдиқланди. Шулардан фан доктори илмий даражасига тасдиқланган талабгорларнинг 787 нафари, фалсафа доктори даражасида тасдиқланганларнинг эса барчаси, яъни 2 минг 275 нафари 2017 йил 1 июлдан кейинги даврда илмий даражаларга эришдилар.

Анжуманда ОАК фаолиятидаги тизимли ишлар, натижалар ва устувор вазифалар, тизимга ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, ривожлантириш, ҳужжатлар ижроси,

муружаатлар билан ишлаш ва ижро интизомини мустаҳкамлашга доир масалалар хусусида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, математика, кимё ва геология каби фанлар йўналишида эришилган асосий натижалар, келгусидаги муҳим вазифалар ҳақида тўхталиб ўтилди.

– 2017 йил 1 июлга қадар республикамизнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 40 та илмий кенгаш фаолият юритган бўлса, эндиликда уларнинг сони 160 тани ташкил қилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси матбуот котиби Улғубек МАМА-

ДАЛИЕВ. — Ўтган 2019 йилда Олий аттестация комиссияси раёсатида жами 1612 та аттестация иши кўриб чиқилди. Жумладан, 321 фан доктори илмий даражаси, 1139 фалсафа доктори илмий даражаси, 131 профессор, 82 катта илмий ходим ва 417 нафар киши доцент илмий унвонларига тасдиқланди. 2 та фан доктори, 28 та фалсафа доктори дипломлари нострификация қилинди. 41 та аттестация ишига эса рад жавоби берилди.

Биз учун яна бир эътиборга молик масала шундаки, фан доктори илмий даражасига тасдиқланганларнинг 33 фоизини, фалсафа доктори илмий даражасига тасдиқланганларнинг 37 фоизини аёллар ташкил этган.

Васила Воҳид қизи

BOLALAR BOG'CHASIDA UCH KUN

Хумоюн. Олти яшар
– Адажон, бугун боғчамга
бормайман. Оёғим оғрияпти.
– Бўпти. Кўчага чиқмайсан.
Велосипед минмайсан!
– Оёғим велосипед миниш-
га эмас, боғчамга боришга
оғрияпти.



Кузатдим. Кейинги пайтларда ижтимоий тармоқларда жуда кўп «ёмон боғча опалар» ҳақидаги мақолалар chop этилди. Масалан: «Боғча пуллари ушлаштираган «боғча опалар» жиноий жавобгарликка тортиладими? Ёки «Боғча опалар билан сериалхонлик»... Ҳамкасбларимнинг тарбия масканларидаги боғча опалар ҳақида куюни қалам тебратишлари бежиз эмас албатта. Боси ёш болаларнинг характер хусусиятлари шаклланишида ота-онадан ҳам кўпроқ боғча мухитининг, айниқса, боғча опаларнинг ўрни бекиёс.

Бир танишим, «Қизимни боғча опаси ҳайвонларга меҳр-шафқатли эди, катта бўлгач худди боғча опасига ўхшаган бўлди», – дейди. Бир она эса тўрт яшар қизчаси боғчадан келганидан сўнг кўзгу ёнига ўтириб олиб, онасининг пардоз-андоз ашёларини юзининг ҳамма жойига суриб чиқишдан шикоят қилиб қолди. «Кейин кузатсам, – дейди она сўзларини давом эттириб, тарбиячи қизнинг столи устида кўзгу тураркан, иш жараёнида, ўша кўзгуга қараб тез-тез пардоз қиларкан. Шунинг учун қизим ундан андоза олибди. Ҳозир уни бошқа гуруҳга ўтказиб юбордим»...

Танқид келажак меваси дейишади. Боғча опалар орасида ўз касбининг устаси,

фидоий, изланувчанлари ҳам кўпчиликини ташкил этади. Бу ҳақдаги маълумотларимизни бойитиш истагида пойтахтимиздаги 575-сонли мактабгача таълим муассасасида бўлиб, катта гуруҳ болалар тарбиячиси Бегойим Мўминкулованинг иш тажрибасини ўргандик.

КЎШНИ ХОНАДАГИ «АМЕРИКА»

Биринчи кун

Душанба кунги машғулота Захириддин Мухаммад Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида болаларга маълумот бериш режалаштирилган. Тарбиячи болаларга Бобур Мирзони Андижонда туғилиб, сўнг Ҳиндистонга бориб ҳукмронлик қилиш тафсилотлари ҳақида сўзлаб берди.

– У ўзга юрда шоҳ бўлиб яшаса-да бир умр ўз юртини соғиниб газаллар битган», – дея тушунтирди.

Шу пайт болалардан бири: «Соғинч нима боғча опа?», – дея савол ташлади. Тарбиячи бироз ўйланиб турди-да:

– «Фараз қилинглар, ҳозир биз аэропортга бориб, самолётга ўтирамиз ва Америкага учиб кетамиз», – деди.

Болалар кўллари худди самолёт каби ёйиб, ташқарига йўл олишди. Тарбиячи уларни кўшни гуруҳга олиб кирди. Болалар гуруҳга киргач:

– Мана Америкага ҳам етиб келдик. Бу ерда биз бир соат яшаймиз, – деди мулоим оҳангда.

Болажонлар дастлаб кўшни хонадаги яъни кўшторноқ ичидаги «Америка»даги караватларни кўриб, «Бизникига ўхшаб кетаркан», дея ҳайратланишди. Уйинчоқларни маза қилиб ўйнашди, расм чиқишди. Орадан бир соат ўтгач болалар боғча опасининг ёнига келиб гуруҳимизга кетайлик, дея бошлади. Шунда тарбиячи: – «Нега, ахир бу ер Америка жуда ҳам маза-ку», – деди. Болалар эса хонамизни соғиндик, дейишди.

– «Ана кўрдингизми болажонлар, соғинч ҳисси шундай бўлади. Биз дунёнинг қайси бурчагида яшамайлик, барибир она ватанимизни соғинамиз. Ватан бу бизнинг уйимиз, кўчамиз, маҳалламиз, боғчамиз...»

«БОҒЧА ОПА, ҚУШЛАР КЎРИНМАЯПТИ-КУ?»

Иккинчи кун

Бу кунги машғулот табиат кўйида ўтказишга мўлжалланган экан. Тарбиячи дастлаб болаларга оддий қоғоздан «қушдон» яшашни ўргатди. Болалар жажжи бармоқчаларида қайчиларини айлантириб, қоғозларни кесиб, елимлаб қушдон ясашга киришишди. Нонушадан сўнг столлардан териб олинган нон ушоқларини кўлларидаги қушдонларга солиб чиқишди. Нон ушоқлари тўкилиб кетмаслиги учун қушдонларини авайлаб, ташқарига йўл олишди. Боғча худудидаги кенг майдончага чиқиб, қушдонларни дарахт шоҳига, ерга, йўлакчага жойлаштиришди. Қушлар дон



қидириб келавермагач, тоқати тугаган болалардан айримлари: «Боғча опа, қушлар кўринмаяпти-ку, қаерда ўзи улар», дея чуғур-чуғур қила бошлашди. Тарбиячи уларга оёқ учида астагина қадам босиб, бино четига ўтиб кузатиб туришни буюрди. Орадан 10-15 дақиқа ўтгач, бир нечта қушлар пир-пир учиб келиб нон ушоқларини ейишни бошлашди. «Урр-эй», деб юборишди чапак чалиб бир овоздан. Болалар хотиржам ўйнашга тушди. Бир болакай эса йўлакчалар четига эндигина буй чўза бошлаган майдонда ўтларни териб, боғча опасига тақдим этди. Тарбиячи болакайни чин юракдан бағрига босиб, раҳмат айтди.

НОН ЁПАЁТГАН БОЛАЛАР

Учинчи кун

Бу кунги машғулот ҳаммасидан ҳам қизиқ ва антиқа бўлди. Ростини айтсам, ўзим ҳам ҳеч кутмагандим. Эрталаб ўғил-қизларини боғчага олиб келган оналардан икки-уч нафари гуруҳга кириб, стулчаларга ўрнашиб ўтириб олишди. Навбатма-навбат ўқиган эртақларини болалар олдида боғча опага айтиб беришди. Болажонлар қарсақ чалиб, уларни олқишлашди.

Маълум бўлишича, тарбиячи бир ҳафта олдин болаларнинг кўлларида эртақ китоб бериб, «Китобдаги эртақни ота-оналаринг сизлар билан бирга уйда ўқиб, сўнг менга мазмунини сўзлаб берсин», дея топшириқ берган экан. Кимдир боғча опанинг бу топширигини ота-онасига тўғри етказган, кимдир ёдидан ҳам чиқиб кетган, ёки ота-онаси эътибор қаратиш шарт эмас деб ўйлаган. Хуллас шу кун қайси оналарни фарзандига эътиборли экани маълум бўлди.

Ҳаммасидан энг қизиғи тушликдан сўнг юз берди. Болалар уйқудан уйғонган юз-кўллари ювишди. Тарбиячи стол устига

елим тоғорачани қўйиб хамир қоришга киришди. Болаларнинг бири тоғорачага сув қўйиб турса, бошқаси туз солди. Яна бири эса ун сепиб турди. Бир зумда хамир ҳам тайёр. Оширилган хамирни роппа-роса 22 бўлакка бўлиб, болаларга тарқатди. Улар зувалаларни бармоқчалари билан ёйиб, нон шаклига келтиришди. Бирининг юзи, бошқасининг эса бурунчалари оппоқ унга бурканди. Кузатиб турсам кимдир сездирмай хамирни бир учидан оғзига солиб мазасини кўрар, ёнидаги ўртоғига «яхши» дегандек маънодор қараб қўярди. Худди ошпазлардек тизилишиб, жажжи кўлчаларидаги кўлчаларни маҳкам ушлаб ошхона томонга йўл олишди. Ошпаз холлар уларни кўлларидаги қулча нонларни газ печига жойлаштиришди. Ҳаммаёқни мазали қулча нонларнинг ҳиди тутиб кетди.

– Оҳ, қандай мазали-я, бу дунёда нон ҳидидан тоғлироқ, тўйимлироқ нарса бўлмаса керак, – деди тарбиячи болаларнинг кўлларидаги кўлчаларга меҳр билан боқиб.

Газ печида қип-қизариб пишган нонларни ликопчаларга солган болалар гуруҳига шошилишди. Иссиққина нонларни сутли чойга ботириб-ботириб бир-бирларига мақтаниб еб ўтирган болажонларнинг бахтиёрлигини таърифлашга сўз ожиз. Ҳозир уларнинг ҳаёлида қорин тўйгазиш эмас, ўз меҳнатидан завқ олиш ва ўша меҳнатларини ота-онасига ҳам кўрсатиш ҳисси қучли эди. Бунинг уларнинг сўзларидан сезиш қийин эмас... «Мен уйга бориб, ойижонимга нон пишириб бераман...», «Мен эса бувимга», «Мен дадамни яхши кўраман, дадам ишдан келса иссиққина нон билан чой ичади»...

Орузлари осмон қадар болажонлар билан хайрлашар эканман, эртанги кунимиз эгалари мана шундай фидоий, заҳматқаш, изланувчан, болаларни севувчи инсонлар қўлида эканидан бахтиёрлик ҳиссини туйдим. «Бугун мен ҳам болаларимга ўз кўлларим билан иссиққина қулча ёпиб бераман...»

Нигора РАҲМОНОВА



Ҳаммасидан энг қизиғи тушликдан сўнг юз берди. Болалар уйқудан уйғонгач тарбиячи стол устига елим тоғорачани қўйиб хамир қоришга киришди. Болаларнинг бири тоғорачага сув қўйиб турса, бошқаси туз солди. Яна бири эса ун сепиб турди. Бир зумда хамир ҳам тайёр. Оширилган хамирни роппа-роса 22 бўлакка бўлиб, болаларга тарқатди. Улар зувалаларни бармоқчалари билан ёйиб, нон шаклига келтиришди. Бирининг юзи, бошқасининг эса бурунчалари оппоқ унга бурканди. Кузатиб турсам кимдир сездирмай хамирни бир учидан оғзига солиб мазасини кўрар, ёнидаги ўртоғига «яхши» дегандек маънодор қараб қўярди.



BURUN NEGA QONAYDI?

– 14 ёшли ўғлимни кейинги пайтларда бурни тез-тез қонайдиган бўлди. Сабаби нима бўлиши мумкин?

Хикматулло МАДИРИМОВ,
«Браво-дор» клиникаси оториноларинголог-шифокор.

– Кўпчилик бурундан қон кетиш хавфли эмас, деб ҳисоблайди, лекин у қайсидир касалликнинг аломати, яъни белгисидир. Бурундан қон кетишининг энгил шакллари кутилмаганда ёки буруннинг энгил жароҳатидан кейин бошланиши мумкин. Бундай қон кетишининг ҳеч қандай хавотирли жойи йўқ. Бурундан қон кетишига қаттиқ аксириш, бурунни қовлаш, аллергия ринит, синусит, вирусли касалликлар, жуда қуруқ ёки совуқ ҳаво, баландликка чиқиш, буруннинг лат ейиши ёки шиллик пардасининг зарарланиши (тирналиши, шилиниши), витаминларнинг етишмаслиги сабаб бўлади. Унинг кўп учрайдиган тури – бурун тўсиғи олд қисмидаги томир чигали жуда юзада жойлашганлиги сабабли бурунни тез қонашига олиб келади. Болаларда бурундан қон кетишининг 90 фоизи шу сабабдан. Бурун тўсиғидаги қон томирлари буруннинг шиллик пардаси тагида жойлашган бўлиб, энгил шикастланади ва тез қонайди.

Қизамик, грипп, дармонсизлик, ирсий касалликлар натижасида қон томир деворлари яллиғланганда ҳам қонаш кузатилади. Шунингдек, гепатит, бурун ва буйрак касалликлари, қон босими кўтарилиши, жисмоний зўриқиш, офтоб уриши ҳам бурун қонашига сабаб бўлади. Атмосфера босими, ҳаво ҳарорати ва намлиги ўзгарганда, шиллик пардага мунтазам кимёвий моддалар таъсир этганда, шунингдек, жазирама иссиқда ҳам бу ҳол кузатилади. Ҳаттоки, бурун қонаганда қон ташқарига

Гулнора Одилова,
Самарқанд шаҳри



чиқмай, баъзан ҳалқумга қараб оқиши ва бурни қонаётган киши уни билмай ютиб юбориши ҳам мумкин. Баъзан қизилўнғач ёки меъдадан келаётган қон ҳам бурундан қон кетишини келтириб чиқариши мумкин.

Бундай ҳолатлар кузатилса, албатта шифокор кўриги ва маслаҳати зарур, чунки бурун қонаши фақатгина бурун жароҳати ёки касалликларигагина хос эмас, бунинг сабаби, бошқа қон ивиши жараёнлари бузилиши билан кечувчи қон касалликлари бўлиб, бурун фақат сабабчи бўлиши ҳам мумкин. Яна хавфли ёки хавфсиз ўсма касалликларининг бурун ичида ривожланиши ҳам бурундан қон кетишига сабаб бўлади.

Шунингдек, бола организмидagi қон томир касалликлари, қон яратиш аъзолари касалликлари, жигар, буйрак ҳамда витаминлар танқислиги натижасида ҳам ушбу ҳолат кузатилади. Бунга безъоти бўлмай, дарҳол қон таҳлиллари ва тиббий кўриклардан ўтиб туриш лозим.

– Кейинги пайтларда ҳижома атамаси кўп ишлатилмоқда. Узи ҳижома нима? Уни қандай ҳолатларда қўллаш мумкин?

Нозима АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент шаҳри

HIJOMA AMALIYOTI ZARARLI EMASMI?


Нигора ИСЛОМОВА,
«Камфорт» клиникаси ревматолог шифокори.

– Ҳижома бугун пайдо бўлган тушунча эмас. Аксинча, узоқ тарихга бориб тақалади. Хусусан, Абу Али ибн Сино ҳам бу ҳақда ўзининг «Тиб қонунлари» асарига маълумот бериб ўтган. Ҳижома бу танадаги ортиқча, зарарли қора лахта қонни махсус банкалар ёрдамида тери орасидан сўриб олиш дейилади. Бу қадимдан ҳакимлар томонидан тасдиқланган фойдали тиббий амалиётдир. Ҳижома қилдириш саломатлик учун жуда фойдали амаллардан саналиб, бугун замонавий тиббиётда ҳам бу ёрдамида касалликларни даволаш қулай ва самарали усул ҳисобланади. Бундай усулнинг моҳияти ва фойдаси шундаки, организмда туриб қолган қон чиқариб юборилади, бунинг натижасида у янгисини ишлаб чиқаришни бошлайди. Бу инсоннинг умумий ҳолатини яхшилаш билан бирга кўпчилик касалликлардан даво топишига ёрдам беради.

Ҳижома, қон айланish органларидаги хасталикларда, қон босими, юрак, кўкрак қафаси оғриги, нафас қисиши, бош оғриги, кўз хиралашиви, бўйин, елка, қорин бўшлиғи, бўғимлардаги оғриқлар ҳамда мускуллардаги бод (ревматизм) касалликлари, бел, бўйин соҳасидаги остеохондрозларда, чурчалар, простатит, жинсий заифлик, бепуштлик, уйқусизлик ва асаб тизими,

иммунитет пасайиши, бавосил, сийдик тутолмаслик, гайморит каби касалликларда қўлланилади. Бугунги кунда ҳатто қанд касали бор инсонлар учун ҳам махсус ҳижома қилиш дастурлари ишлаб чиқилган. Ҳижоманинг афзалликларидан яна бири шундаки, баъзи тиббиётга қоронғу бўлган касалликлар, жумладан, инсон танасига жойлашиб олган жинларни чиқаришда ҳам самарали чоралардан бири ҳисобланади.

Айни пайтда қон орқали юқумли бўлган турли вирус ва касалликлар



кўпайиб кетганлиги учун дардига шифо излаётган беморларга ҳижома қилдиришда дастлаб гигиеник талабларга тўла жавоб берадиган, ҳижома қилиш учун махсус лицензияга эга ҳажжомлар хизматидан фойдаланишни, шунингдек, ишлатилаётган банка ва тигли асбобларнинг янгилигига аҳамият беришни маслаҳат берамиз.

Чароч ДЎСТМАТОВА
тайёрлади.



Одатда ҳар тўртинчи йил, тўртга қолдиқсиз бўлинадиган йиллар кабиса йили бўлишини ҳам яхши биламиз.

Мазкур 2020 йилда бошқа йиллардагидан фарқли ўлароқ, февраль ойи 29 кун бўлади.

«Кабиса» сўзи арабча «кабаса» – яъни «чуқурни тўлдириш» феълидан олинган бўлиб, «тўлдирувчи» деган маънони англатади.

Утмишга назар ташлайдиган бўлсак, эраимиздан аввалги 45 йилнинг 1 ян-

Ҳеч қачон Осмонга
тупурма! Осмон қаҳрли.
Тупузинг юзингга қайтиб
тушади. Ҳеч қачон ерга тупурма!
Ер меҳрли: тупузинг юзингга сачрамайди.
Аммо шу Ер сени кўксидан кўтариб юради.

2020 YIL KABISA YILI EKANIDAN XABARINGIZ BORMI?

варь санасидан бошлаб, Рим ҳукмдори Гай Юлий Цезарнинг фармони билан

Созиген бошчилигидаги исқандариялик астрономлар томонидан махсус йил ҳисоби – тақвим яратилади. Унга кўра, бир астрономик йил тахминан 365,25 кун (365 кун, 6 соат) деб белгиланади. Бу тақвим Цезарь шарафига Юлиан тақвими деб номланган.

Одатда, ҳар тўрт йилда «опти соатлик» қолдиқлар тўпланиб бир кунни ташкил қилган. Бироқ, дастлаб шу бир кунлик фарқни йўқотиш учун ҳар учинчи йилга бир кун қўшиб берилган. Яъни, икки йил 365 кундан, учинчи йил 366 кунга тенг деб белгиланган. Бу қўшимча кун Рим тақвимидаги охириги ой – февралга қўшиб берилган.

Цезарь кабиса йили учун bis sextus (илмий истилоҳда кабиса йили худди ана шундай аталади) яъни иккинчи олтинчи кунни қўшиб ҳақида кўрсатма берган. Шу тариха эраимиздан аввалги 45-йил тарихда илк кабиса йили бўлиб қолган.

Орадан бир йилча вақт ўтиб, суиқасд

натижасида Цезарь ўлдирилади ва иккинчи кабиса йили ундан кейин бўлиб ўтади. Шу тариха 36 йил давомида ҳар учинчи йилга астрономлар бир йилдан қўшиб бораверишган. Октавиан август даврига келиб, тақвим ҳисоботи қайта кўриб чиқилади ва бу ҳисоблаш хато экани ойдинлашади. Шундан сўнг ҳар тўртинчи йил кабиса йили тарзида ҳисобланиши белгиланади. Бироқ 36 йил давомида кабиса 9 мартаба ўрнига 12 мартаба қайд этилганини ҳисобга олиб, орадаги тафовутни йўқ қилиш мақсадида бир неча йил мобайнида бу одатга амал қилинмаган.

Кейинчалик астрономик асбоблар ривожлана бошлагач, бир йил Цезарь даврида аниқланганидек, 365 кун эмас, тахминан 365 кун 5 соат 49 дақиқа экани маълум бўлган. Яъни қуёш атрофида айлануши чикиши учун айнан шунча вақт сарфлайди.

Демак, Юлиан тақвимида кўра, ўртача тропик йил ва Юлиан тақвими ўртасидаги фарқ бир йилда 11 дақиқани ташкил қилади. Бу «кемтиклик» 128 йилда тахминан бир суткага етади.

Цезарь давридан сўнг орадан асрлар ўтиб, ушбу тафовут йил фасларининг алмашинувида ҳам сезила бошланган. Аниқроғи, XVI асрда баҳорги тенгкунлик тақвимига кўра 21 мартда

эмас, ундан ўн кунча аввалроққа тўғри келиб қолган. Бу эса, пасха байрамини белгилашда катта ноаниқликларни келтириб чиқарган.

Асрлар давомида юзага келган бу тафовутни бартараф этиш учун Рим папаси Григорий XIII тақвими ислоҳ қилиш ташаббуси билан чиққан. Унинг ислоҳотида кўра, календарь йили қуёш тақвимига мос келиши учун 100 га бўлинадиган йилларда кабиса йили бекор қилиниши лозим эди. Яъни, 4 сонига қолдиқсиз бўлинадиган барча йиллар кабиса йили ҳисобланади, фақат охири икки ноль билан тугайдиган йиллар бундан мустасно. Масалан, 1300, 1400, 1500 йиллар ва ҳоказо.

Лекин бу ислоҳот ҳали тафовутни тўла бартараф этолмади. Негаки, Юлиан тақвимида кўра, дақиқалар «йғиндисиди» ҳар 128 йилга бориб, сезиларли ўзгаради. Демак, ҳар тўртинчи юз йиллик кабиса йили бўлиб қолаверади.

Яъни; 400 сонига қолдиқсиз бўлинадиган йиллар кабиса йили ҳисобланади. Масалан, 1200, 1600, 2000 йиллар. 100 га қолдиқсиз бўлинадиган йиллар кабиса йили эмас. Масалан: 1700, 1800, 1900 йиллар. Улардан қолган барча 4 га қолдиқсиз бўлинадиган йиллар кабиса йилидир. Масалан, 2004, 2008, 2012, 2016.

Шундан хулоса қиладиган бўлсак, 2020 йил ҳам кабиса йили ҳисобланади.

uza.uz

“KUTMOQ VA UMID QILMOQ KERAK”

yoхud tiriklikning azaliy qonuniyatlari

АЛЕКСАНДР ДЮМА

ГРАФ МОНТЕ-КРИСТО

Уф савъатининг маъруфи



ривожи шу қадар шиддатлики, ўқувчи бир дам бўлса-да зерикишга, китобни қўлидан қўйиб тин олишга улгурмайди. Ортада қолаётган саҳифалараро энгилгина кўчиб берган экан, ўқиркан, ҳаётнинг мураккаб жиҳатларидан, яшаш талаб қиладиган оғриқли ва азалий қонуниятлардан йўл-йўлакай хабардор бўлиб боради.

Бошқа кўлгина асарларда бўлгани каби, мазкур асарда ҳам асосий ғоя эзгулик ва ёвузлик ўртасидиги азалий баҳс албатта. Муаллиф ёвузлик қанчалик ҳадсиз бўлмасин, эзгуликнинг ҳам арқони узун эканини, бир кунмас бир кун у албатта зафар қозонишини ҳаётини мисоллар ёрдамида кўрсатиб беришга ҳаракат

қилади. Асар давомида бир неча бор учрайдиган, қайсидир маънода асар ғоясининг ўқ илдизи бўлиб хизмат қилган “Кутмоқ ва умид қилмоқ керак” жумласи, бу гапимизнинг инъикосидир. Бироқ асар биргина шу нуқтаи назар билан, яъни ёвузликнинг эзгуликдан тубан туришини исботлашга уришиш билангина чекланмасдан, шу ёвузликни келтириб чиқарадиган асосий сабабларни ўрганишга ва бундан ўқувчини оғоҳ этишга ҳаракат қилади. Асардаги тахминан “ёвуз одамларнинг жонини Худо ҳам тезгина олмайди, чунки ёвуз одамлар Худога бошқа осий бандаларини жазолаш учун керак” қабилдаги жумлалардан ҳам, биз ҳозиргина айтиб ўтган ўша маънони ва ундан анча чуқурроқ бўлган мазмунни тушунас бўлади.

Асар воқеаларини эслаганда, воқеалар марказида турадиган Эдмон Дантес ҳаётига алоҳида тўхтаб ўтмасдан илож йўқ. Шу ўринда савол туғилади. Оддий денгиз матроси бўлган соддадил йигит қандай қилиб қудратли шахсга айлана олди? Кўлгина ёвузлар қатори яхшиларни ҳам ямлаб юбораётган бу бешафқат ҳаёт қандай қилиб уни бунчалик юксакка кўтарди? Фақат соддадиллиги ё яхши инсон бўлгани учунми? Йўқ, албатта! Гап шундаки, Эдмон Дантесда аввало, сўнмас ирода бор эди. У иродаси шу қадар кучли бўлгани учун ҳам ўзини курашб келган ёвузликка мослашибгина кўя қолмади, Франс Кафка таъбири билан айтганда – ўзи муҳитининг қурбонига айланмади. Аксинча, шу ёвузлик билан курашга киришди. Узига нисбатан ҳасад ва ғараз, адоват ва зулм қанчалик ортса, қалбида буларга бўлган зиддиятлар ҳам шунчалик орта бошлади. Ва шу зидди-

Қуш бўлиб, осмонда учма. Тошбақа бўлиб, ерда судралма. Дарахт бўл! Бошинг – осмонда, оёгинг ерда бўлсин!

яту қарама-қаршиликларнинг натижаси ўлароқ, руҳи қайралиб, баркамоллаша борди.

Асар воқеаларининг давоми ва асардаги қаҳрамонларнинг қизқаркли кечмиши билан китобхон мутолаа жараёнида танишиши мумкин. Биз эса сизга мазкур “Граф Монте-Кристо” асаридан эътиборни тортадиган айрим жумлаларни келтириб ўтмоқчимиз.

– Биринчидан, мақсадга эришиш йўлида сизнинг нақадар кўп куч сарф қилганингиз ҳақида ўйлаялман. Эркинликда қандай ажойиб ишлар қилишингиз мумкин?

– Ҳеч нима қилмаган бўлишим ҳам мумкин эди. Мен ақл-идроқимни майда-чуйда нарсаларга сарф қилиб қўйган бўлур эдим. Фақат бахтсизлик киши ақлининг яшириниб ётган бойликларини очиб ташлайтиди, ҳаракатга солиб юборади. Пороҳини портлатиш учун сиқиш керак.

– Ҳуқуқ фанида, – деди у сукутга ботиб. – Оқилна бир аксиома бор, буни сизга айтиб берган эдим. Мудҳиш ниятлар бузуқ хулқдан келиб чиқади, бошқа вақтларда инсон жиноятдан ўзини четта тортади. Бироқ цивилизация инсонда яхшилик туйғуларини бўғиб ёмонликка олиб боруви-сунъий талаб, иллат ва истак борлигини ошқорча этиб ташлади. Бундан шундай қонда келиб чиқади: жиноятчини топмоқчи бўлсанг, қилинадиган жиноятдан наф кўрадиган кишини ахтар...

– Худо ҳақки, титроқ босаяпти мени, – деди Дантес. – Наҳотки жаҳонни инсон эмас, шер ва тимсоҳ каби ваҳший ҳайвонлар босиб кетган бўлса?!

– Худди шундай, аммо икки оёқли шер ва тимсоҳлар ҳамма ҳайвонлардан ҳам хавфли бўлади.

Байрам АЛИ

Mening qahramonim

узоқдан бир боққанингда, балки Кириск етим қолмасмиди. Сени кўриб улар ҳам манзилларига етишармиди. Нега қорақўз Кириска ачинмадинг?” дея ич-этимни кемираман.

Асарни ўқиш чоғида Кириск ўз укамдек бўлиб қолди. Ҳаттоки, ёлгон эмаски туз тотмадим, сув ичмадим. Ахир қайси ака ўз укаси очликдан, сувсизликдан қийналаётган чоғида оғиздан лўма ўтади?

Ҳар қуни исроф этадиган бир неча томчи сувимиз, балки уларда бўлганидами, Кирискнинг яқинлари тўрик қолармиди? Аламлиси биз учун аҳамиятсиз бўлган томчи сув инсон ҳаётини хал қилди.

Бу азов-укубатларда унга онаси касал бўлганида ўргатган: “Кўк сичқонча, сувингдан бергил” деган сўзи тасалли берар, унга куч бағишларди. У ушбу бир оғиз сўз билан инсон зоти мисли кўрмаган сабр-бардошни кўрсатди. Бу эса унга бўлган меҳримни яна ҳам оширди.

Отабек ЭШПЎЛАТОВ,
Чирчиқ шаҳридаги 21-мактаб
ўқувчиси.

“KO‘K SICHQONCHA, SUVINGDAN BERGIL”

onasi o'rgatgan shu jumlar Kiriskning hayotini saqlab qoldi

Буюк ёзувчи Чингиз Айтматовнинг ҳар бир қисса ва романини ўқир эканман худди адиб билан сўзлашгандек, дилдан гаплашгандек бўламан. “Эрта қайтган турналар” даги Султонмурот, “Бўтакўз”даги Камол, “Соҳил ёқалаб чопаетган олапар” даги Кирискнинг қалбидан ўтган ҳис-туйғулар менинг ҳам қалбимдан ўтгандек, уларнинг бо-

шидан кечирганлари гўеки, ҳаётимда содир бўлгандек. Бунинг сабаби – Чингиз Айтматов ҳаётдан олиб, ҳаётга берган. Шу сабаб адибнинг асарлари миллионлаб китобхонлар қалбида умрбоқий сақланиб келмоқда.

Нихлвар авлоди. Нерпа (балиқ тури) овлагани денгизга чиқишди. Фалокат бўлиб Буюк туманда адашиб қолишди. Озиқ-овқат ҳамда сув соатма-соат камайиб бораверди. Мени куткуга солган нарса қайиқда ўн бир ёшлик Кириск ҳам бор эди. Унинг пешонасига тақдир нималарни битди экан? Ахир илк мартаба очик денгизга чиқишди-ку. Денгизга Нерпа(балиқ тури) овлагани, бобоси, отаси ва акаси билан чиқишдан

олдин қалби қанча орзу-истаклар билан лиммо-лим эди. Улуғ овчи бўлмоқчи эди-ку. Йўқ, энди у буларни ўйламасди. Фақат тирик қолишни ўйлар. Олапар кўринмасмикин дея чор атрафга умидсиз боқарди...

Чингиз ота, асарда Ўрхон бобо қариб-қартайган бўлса ҳам доим она балиқ висолини истар, у билан олисолисларга сузиб кетишни орзу қиларди. Ўрхон тимсолида бир ҳаёт ҳақиқати яширинган деб ўйлайман. “Майли, сен бу коинотдаги энг заиф ва кўримсиз мавжудотдирсан, аммо ўз хаёлларингда, ҳар орзу этганингда кучли пўртанаю довуллардан, тўфону қуюнлардан устунсан. Инсон зотининг бошқа мавжудотлардан ажралиб туриши ҳам шунда. Ҳеч ким, ҳеч кимга орзу қилишни ҳамда хаёл суришни ман эта олмайди...”

Авал бобоси, кейин акаси ва ундан сўнг отаси ўн бир ёшлик Кирискни яшаб қолиши истагида сувни тешаш учун жонларини фидо қилишди.

Шундай вақтларда: “Эй, олапар, нега уларга кўринмадинг? Ҳеч бўлмаса



Qizlarimiz yo'ldan adashmasin!

Мутахассисларнинг фикрича дунёда ёшларнинг жинсий ҳаётга эрта қадам қўйиши кузатилмоқда. Хориж давлатларидаги бу ҳолат юртимиз ёшларини ҳам четлаб ўтмаётгани айна ҳақиқат. Бу ҳолатни кимдир замона зайли деса, яна кимдир тарбиясизликка йўяди. Аслида бу ҳолатга қандай изоҳ бериш мумкин?

Атрофга назар ташланг. Бугун хиёбонларни тўлдириб, қўл ушлаб юрган севишганларнинг кўпчилиги мактаб ўқувчилари. Бегона йигитнинг қўлидан туталётган бу ёш қизлар кўнглидан кечаётган ўткинчи ҳисларни муҳаббатга йўйиб, умрини барбод қилаётганига жим қараб туриш мумкинми?

Мазкур мавзу юзасидан руҳшунос Барноғул Файзиёва шундай дейди:

— Аслида ҳар бир ўсмирнинг ўзи бир шахс, шунинг учун ҳам руҳшунослар тили билан айтганда, ўсмирлик даври инқирози барчада ҳар хил кечади. 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган давр қизларнинг

“ўтиш вақти” дейилади. Бу қиз болада физиологик жараёнлар, гормон ўзгаришлар бошланган вақт. Шу билан бирга қиз болаларда ўзга жинс вакилларига нисбатан қизиқиш уйғона бошлайди. Унинг ўзига-ўзи берадиган “жиддий” саволлари кўпаяди. “Нимага анави қиздек қоматим келишган эмас?”, “Семизлигим учун йигитлар қарамайтми?” қабилдаги саволлар билан ўралашиб қолган қизга она маслаҳати жуда муҳим. Она қизи учун, аввало яқин дўст (дугона) бўлмоғи, унга руҳан ва маънан яқинлигини исботлаши, ишончини қозона олиши керак. Фарзандида бўлаётган ҳар бир ўзгаришга эътиборли бўлиши, тушқунликка тушганлиги ёки жуда хурсандлиги сабабларини билиши керак. Ҳаттоки, унда уйғонаётган муҳаббат каби ҳисларга ҳам дўст сифатида қараб, маслаҳат бермоғи жоиз. Унинг ҳисларига ҳеч қачон юзани қарамаслик, жиддий масалада гаплашаётгандек, ётиги билан тушунтириш лозим. Бу ёшдаги ўсмирга асло қаттиққўллик қилмаслик керак, акс ҳолда фарзандингиз нафақат сиздан балки уйдан ҳам “қочиш”га уринади.

“ЭСТРОГЕН” ЭСНИ ЙЎҚОТАДИМИ?

Онахон **ЁҚУБОВА** гинеколог-шифокор:

— Кейинги йилларда ўсмир қизларнинг жинсий ҳаёт ҳақида тўғри маълумотга эга бўлмаслиги оқибатида

ҳомилалар бўлиб қолиш ҳолатлари кўпаймоқда. Номусидан мосуво бўлиб, ҳомилалар бўлган қизлар қўрқув натижасида туғилажак фарзандини қотилига айланишаётгани ижтимоий тармоқларда тарқалмоқда. Ачинарлиси шундаки, мана шу ҳаракатларнинг ўзиёқ у келажақда бутунлай бефарзанд бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолларда она томонидан бериладиган тарбиянинг ўрни аққол билинади.

Гинекология нуктаи назаридан айтиладиган бўлсам, аёлнинг характери, кайфияти, гўзаллиги, барча-барчаси организмдаги гормонларга боғлиқ. Қонида эстроген гормони даражаси пастроқ аёл-қизлар жаҳли тезроқ, кайфияти ўзгаришчан бўлади. Аксинча ҳолатларда эса қизлар ўзига кўп оро берувчи, хушқачқак, ҳар нарсаларга қизиқувчан бўлишади. Айна мана шундай қизларимизга тарбия беришда

қаттиқроқ туришимиз мақсадга мувофиқдир.

“ТАРБИЯ БЕРА ОЛАДИГАН БЎЛИБ ТАРБИЯЛАНИНГ”

Ситора Аминова, тикувчи:

— Уч нафар қиз тарбиялаган она сифатида айтишим мумкинки, қиз бола бир нозик ниҳол, уни қаерга эксангиз ўша ерда кўкаради. Агарда парвариш-лашда эътиборсизлик қилсангиз, ўзи истагандек нотабиий ҳолатда ўсади, бу эса унинг келажагига катта зиён етказиши мумкин. Шундай экан, иложи борича уларни бўш вақтдан унумли фойдаланишга ургатайлик. Бекорчи ўй-хаёллар суришига имкон бермайлик. Бугунги замон оналарига маслаҳатим: биринчи ўринда қиз болага тарбия бера оладиган она бўлиб ўзингизни тарбиялаб олинг, кейин навбат қизингизга... Масалан, ўзим ҳам қизларимга вақти келса етарлича қаттиққўл, талабчанман, жойида меҳрибонман. Уларни китоб ўқишга, хунар ўрганшига шaroит яратиб бераман. Ҳар бирига бир машғулот топиб бериб, ҳатто ўқув курсларига ҳам ўзим олиб бораман.

ДАДАМНИНГ НОМУСИ, ОНАМНИНГ ИШОНЧИ

Мадина Нарзуллаева:

— Эшим 19 да, талабаман. Шу вақт давомиди ҳам ўқиб, ҳам ишлаяпман. Ёшлигимдан ишлаганим учун бўлса керак ўзимни катта қиз деб ҳисоблайман, ўткинчи ўй-хаёллар, севги-муҳаббатга ўхшаш бекорчиликлар (бугунги кунда бу сўзларга бошқача таъриф беришнинг иложи йўқ)га вақт ажратгим келмайди. Онам болалигимдан масъулиятли бўлишга ўргатди. Ана шу масъулиятнинг ўзи елкамга турли мажбуриятларни қўяди. Дадамнинг номуси, онамнинг ишончи, сингилларимга ўрناк бўлишим кераклиги биринчи галдаги масъулиятим бўлса, бешга ўқишга берган ваъдам, ишхонада бажаришим керак бўлган вазифалар барча-барчаси мени фақат тўғри йўлга бошлайди. Ўзимдан келиб чиққан ҳолда сингилларимни ҳам, ёш қизларни ҳам масъулиятли бўлишга қорлаган бўлардим.

Қиз боланинг йўлидан адашиш ҳолатларининг асосида фарзанднинг меҳрга ташналиги, эътиборга муҳтожлигини кўриш мумкин. Айниқса, қиз бола жуда нозик масала... “Жиливини бўш қўйишган-да...” қабилдаги қулоққа чалинган гапларда ҳам жон бор аслида. Шунинг учун унутмайликки, келажак авлод мана шу қаламқош қизларимиз қўлида, уларни қандай чиroyли тарбиялаб, парвариш қилсак, туғилажак авлод ҳам шундай баркамол бўлади.

Василабону **ҲАБИБУЛЛАЕВА**,
“Оила ва жамият” муҳбири

ТУГ'ILMAGAN GO'DAK NOLASI

Бир куни... Ҳа, ўша бир кундан бошланади ҳамма воқеалар... Биласизми, ҳаёт, тақдир, синнов... Бу жуда жўн, умумий гаплар. Асосан, инсон ҳаётидаги воқеалар қачондан бошланади? Нозик ва сержило сўзлар қидирмайман. Аммо, оддий сўзлар воқеликини кўрсатиб бера олармикин? Бешафқатроғи керакми? Мен фақат қадр деган туйғуга озгина ургу бермоқчиман, холос. Чағлиб кетдим. Инсон ҳаётидаги кечмиш қачондан бошланади, деган саволда тўхтаган эдик. Албатта, туғилишдан, ёруғ дунёга қадам қўйишдан бошланади дейишингиз, табиий. Балким... Лекин менинг ҳаётим улимдан, ҳа, адашмасдан ўқидингиз — улимдан бошланди...

Аввалбошда, ёруғ бир кенглик ичида ҳеч нарса ни англай олмай адашиб юрдим. Узини фаришта деб таништирган бир қора либосли, бадбашара жаноб менга йўл кўрсатмоғини айтиди. Илоҳий эдим? Қайчи? Дир қилишим, ёруғликни-да тарқатиб, янада эркин учишни хоҳлардим. Ваҳоланки, ўзимни, кимлигимни тушуниб етмасдан қора либосли жанобга эргашдим. Бирдан ёруғлик йўқолди. Хира ва кир нур атрофни қоплади. Ҳалати чарс-чурс овлоқдан атрофга алангадим. Қаердаман?! Бунча совуқ? Нега оёқларим юргиси келмапти? Нима у, менга яқинлашаркан? Қайчи? Пичоқ? Йўқ! Наҳотки? Бўлиши мумкин эмас! Ниҳоҳлар... совуқ, аламзада, афсусли ниҳоҳлар... Эй Худо! Оёқларимни кесди... овозимнинг борича бақирдим. Нолам, атрофимни-да титратди, афсусли, менга Она бўлмиш, иссиқ вужуддан юлмоқчи бўлган аёлга эса умуман фарқи йўқ...

Ҳамма нарсдан мосуво қилишди... Ёруғ дунёга келиш бахтидан, онамни тўлдириб қулиш бахтидан... Бунчалар бағридошсиз?! Нега мени яшаш завқидан маҳрум қилдингиз? Ахир, ҳаққим бор эди-ку? Мен туғилишим керак эди. Балки Сизни муқофотлашга, балки жазолашга... Виждонингиз тирикми ўзи? Қадримни туғилмасимдан тўқиб юбордингиз-ку? Сизнинг қилган гуноҳингизга нега мен товон туладим?! Қисқичлар, ўткир тигли пичоқлар мурғак жонимга қасд қилишди. Ҳукмни эса Сиз ўқидингиз... Мен волида деб атайдиган инсоним, мунис ҳилқатим?! Наҳотки, тор вужудингизнинг бир бурчагида ёруғ дунё хаёллари билан Падарим ва Сизнинг нурли чеҳрангизни тасаввур қилиб, ой, кун, соат сайин ўсаётган бир гўдакни вужудида кучли оргилларни сездиришга, ундан, яъни мендан, ўз зурриёдингиздан воз кечишга нима мажбур этди?!

Орауларим, ўйу хаёлларим Сизнинг биргина совуққон юзингиздаги жонсиз ифода каби кун-паякун бўлди... Энди дийдор қиёматга қолди. Бурдаланган танам Аллоҳ амри билан бус-бутун бўлиб, Иншоллоҳ, Маҳшар куни қаршингизда пайдо бўламан. Шунда менинг дардли, нолано афсонларга тўла фарёдли саволларимга жавоб бера оласизми?...

Чўллоной **АХМЕДОВА**,

Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси — 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси,
“Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси
(Болалар жамғармаси) ва
“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бosh муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент — 100000,
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ, Адади — 2418. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти

— 15:00 Топширилди — 15:00

Навбатчи:

Б. Исмоилов

Мусахҳаж:

С. Сайдалимов

Саҳифаловчи:

А. Маликов

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5

Qizlarimiz yo'ldan adashmasin!

Мутахассисларнинг фикрича дунёда ёшларнинг жинсий ҳаётга эрта қадам қўйиши кузатилмоқда. Хориж давлатларидаги бу ҳолат юртимиз ёшларини ҳам четлаб ўтмаётгани аниқ ҳақиқат. Бу ҳолатни кимдир замона зайли деса, яна кимдир тарбиясизликка йўяди. Аслида бу ҳолатга қандай изох бериш мумкин?

Атрофга назар ташланг. Бугун хиёбонларни тўлдириб, қўл ушлашиб юрган севишганларнинг кўпчилиги мактаб ўқувчилари. Бегона йигитнинг қўлидан тутаётган бу ёш қизлар кўнглидан кечаётган ўткинчи ҳисларни муҳаббатга йўйиб, умрини барбод қилаётганига жим қараб туриш мумкинми?

Мазкур мавзу юзасидан руҳшунос Барногул Файзиева шундай дейди:

– Аслида ҳар бир ўсмирнинг ўзи бир шахс, шунинг учун ҳам руҳшунослар тили билан айтганда, ўсмирлик даври инкнрози барчада ҳар хил кечади. 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган давр қизларнинг



“ўтиш вақти” дейилади. Бу қиз болада физиологик жараёнлар, гормонал ўзгаришлар бошланадиган вақт. Шу билан бирга қиз болаларда ўзга жинс вакилларига нисбатан қизиқиш уйғона бошлайди. Унинг ўзига-ўзи берадиган “жиддий” саволлари кўпаяди. “Нимага анави қиздек қоматим келишган эмас?”, “Семизлигим учун йигитлар қарамайтмикан?” қабалидаги саволлар билан ўралашиб қолган қизга она маслаҳати жуда муҳим. Она қизи учун, аввало яқин дўст (дўгона) бўлмоғи, унга руҳан ва маънан яқинлигини исботлаши, ишончини қозона олиши керак. Фарзандида бўлаётган ҳар бир ўзгаришга эътиборли бўлиши, тушкунликка тушганлиги ёки жуда хурсандлиги сабабларини билиши керак. Ҳаттоки, унда уйғонаётган муҳаббат каби ҳисларга ҳам дўст сифатида қараб, маслаҳат бермоғи жоиз. Унинг ҳисларига ҳеч қачон юзак қарамаслик, жиддий масалада гаплашаётгандек, ётиги билан тушунтириш лозим. Бу ёшдаги ўсмирга асло қаттиққўллик қилмаслик керак, акс ҳолда фарзандингиз нафақат сиздан балки уйдан ҳам “қочиб”га уринади.

“ЭСТРОГЕН” ЭСНИ ЙЎҚОТАДИМИ?

Онахон **ЁҚУБОВА** гинеколог-ши-фокор:

– Кейинги йилларда ўсмир қизларнинг жинсий ҳаёт ҳақида тўғри маълумотга эга бўлмаслиги оқибатида

ҳомиладор бўлиб қолиш ҳолатлари кўпаймоқда. Номусидан мосуво бўлиб, ҳомиладор бўлган қизлар кўрқув натижасида туғилажак фарзандини қотилига айланишаётгани ижтимоий тармоқларда бўлиб қолишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолларда она томонидан бериладиган тарбиянинг ўрни яққол билинади.

Гинекология нуқтаи назаридан айтадиган бўлсам, аёлнинг характери, кайфияти, гўзаллиги, барча-барчаси организмдаги гормонларга боғлиқ. Қонда эстроген гормони даражаси пастроқ аёл-қизлар жаҳли тезроқ, кайфияти ўзгарувчан бўлади. Аксинча ҳолатларда эса қизлар ўзига кўп оро берувчи, хушқақчақ, ҳар нарсаларга қизикувчан бўлишади. Айнан мана шундай қизларимизга тарбия беришда



Кейинги йилларда ўсмир қизларнинг жинсий ҳаёт ҳақида

тўғри маълумотга эга бўлмаслиги оқибатида ҳомиладор бўлиб қолиш ҳолатлари кўпаймоқда. Номусидан мосуво бўлиб, ҳомиладор бўлган қизлар кўрқув натижасида туғилажак фарзандини қотилига айланишаётгани ижтимоий тармоқларда тарқалмоқда

қаттиқроқ туришимиз мақсадга мувофиқдир.

“ТАРБИЯ БЕРА ОЛАДИГАН БЎЛИБ ТАРБИЯЛАНГАН”

Ситора Аминова, тилуовчи:

– Уч нафар қиз тарбиялаган она сифатида айтишим мумкинки, қиз бола бир нозик ниҳол, уни қаерга эксангиз ўша ерда кўради. Агарда парварши-лашда эътиборсизлик қилсангиз, ўзи истагандек нотабиий ҳолатда ўсади, бу эса унинг келажагига катта зиён еткази-ши мумкин. Шундай экан, иложи борича уларни бўш вақтдан унумли фойдалани-шига ўргатайлик. Бекорчи ўй-хаёллар суришига имкон бермайлик. Бугунги замон оналарига маслаҳатим: биринчи ўринда қиз болага тарбия бера ола-диган она бўлиб ўзингизни тарбиялаб олинг, кейин навбат қизингизга... Мас-алан, ўзим ҳам қизларимга вақти келса етарлича қаттиққўл, талабчанман, жойида меҳрибоним. Уларни китоб ўқишга, хунар ўрганишига шароит яра-тиб бераман. Ҳар бирига бир машғул-от топиб бериб, ҳатто ўқув курсларига ҳам ўзим олиб бораман.

ДАДАМНИНГ НОМУСИ, ОНАМНИНГ ИШОНЧИ

Мадина Нарзуллаева:

– Ёшим 19 да, талабаман. Шу вақт давомиди ҳам ўқиб, ҳам ишлаяпман. Ёшлигимдан ишлаганим учун бўлса керак ўзимни катта қиз деб ҳисоблайман, ўткинчи ўй-хаёллар, севги-муҳаббатга ўхшаш бекорчи-ликлар (бугунги кунда бу сўзларга бошқача таъриф беришнинг ило-жи йўқ)га вақт ажратгим кел-майди. Онам бо-лалигимдан масъ-улиятли бўлишга ўргатди. Ана шу масъ-улиятнинг ўзи елка-га турли мажбуриятлар-ни кўяди. Дадамнинг номуси, онамнинг ишончи, сингилларимга ўрناк бўлишим кераклиги биринчи гал-даги масъулиятим бўлса, бешга ўқишга берган ваъда, ишхонада бажаришим керак бўлган вазифалар барча-барча-си мени фақат тўғри йўлга бошлайди. Ўзимдан келиб чиққан ҳолда сингил-ларимни ҳам, ёш қизларни ҳам масъ-улиятли бўлишга чорлаган бўлардим.

Қиз боланинг йўлидан адашиш ҳолатларининг асосида фарзанд-нинг меҳрга ташналиги, эътиборга муҳтожлигини кўриш мумкин. Айниқса, қиз бола жуда нозик масала... “Жило-вини бўш қўйишган-да...” қабалидаги қулоқча чалинган гапларда ҳам жон бор аслида. Шунинг учун унутмайликки, келажак авлод мана шу қаламқош қизларимиз кўлида, уларни қандай чиройли тарбия-лаб, парварши қилсак, туғилажак авлод ҳам шундай баркамол бўлади.

Василабону **ҲАБИБУЛЛАЕВА**, “Оила ва жамият” муҳбири

TUG'ILMAGAN GO'DAK NOLASI

Бир куни... Ҳа, ўша бир кундан бош-ланади ҳамма воқеалар... Биласизми, ҳаёт, тақдир, синов... Бу жуда жун, умум-ий гаплар. Асосан, инсон ҳаётидаги воқеалар қачондан бошланади? Нозик ва сержило сўзлар қидирмайман. Аммо, оддий сўзлар воқеликни кўрсатиб бера олармикан? Бешафқатроғи керамикан? Мен фақат қадр деган туйғуга озгина ургу бермоқчиман, холос. Чалғиб кет-дим. Инсон ҳаётидаги кечмиш қачондан бошланади, деган саволда тўхтаган эдик. Албатта, туғилишдан, ёруғ дунёга қадам қўйишдан бошланади дейишингиз, табиий. Балким... Лекин менинг ҳаётим ўлимдан, ҳа, адашмасдан ўқидингиз – ўлимдан бошланди...

Аваллошда, ёруғ бир кенглик ичида ҳеч нарсани англай олмай адашиб юрдим. Узини фаришта деб таништирган бир қора либосли, бадбашара жаноб менга йўл кўрсатмоғини айтди. Илҳомсиз эдим. Нима-дир қилишим, ёруғликни-да тарқатиб, яна-да эркин учини хоҳлардим. Ваҳоланки, ўзимни, қимлигимни тушуниб етмасдан қора либосли жанобга эргашдим. Бирдан ёруғлик йўқолди. Хира ва кир нур атрофини қоплади. Ҳалати чарс-чурс овозлардан атрофга алантладим. Қаердаман?! Бунча совуқ? Нега оёқларим юргиси келмайпти? Нима у, менга яқинлашаётган? Қачини? Пичоқ? Йўқ! Наҳотки? Бўлиши мумкин эмас! Нигоҳлар... совуқ, аламзада, афсусли нигоҳлар... Эи Худо! Оёқларимни кесиб-ди... овозимнинг борича бақирдим. Нолам атрофимни-да титратди, афсусли, менга Она бўлмиш, иссиқ вужудидан юлмоқчи бўлган аёлга эса умуман фарқи йўқ...

Ҳамма нарсдан мосуво қилишди... Ёруғ дунёга келиш бахтидан, оламни тўлдириб қулиш бахтидан... Бунчалар бағригитсиз?! Нега мени яшаш завқидан маҳрум қилдингиз? Ахир, ҳаққим бор эди-ку? Мен туғилишим керак эди. Балки Сизни муқофотлашга, балки жазолашга... Виджонингиз тирикми ўзи? Қадримни туғилмасимдан тўқиб юбордингиз-ку? Сизнинг қилган гуноҳингизга нега мен тоvon тўладим?! Қисқичлар, ўткир тигли пичоқлар мурғак жонимга қасд қилишди. Ҳукми эса Сиз ўқидингиз... Мен во-лида деб атайдиган инсоним, мунис хилқатим?! Наҳотки, тор вужудингизнинг бир бурчагида ёруғ дунё хаёллари билан Падарим ва Сизнинг нури чехрангизни тасаввур қилиб, ой, кун, соат сайин ўсаётган бир гудакни вужудидида кучли оғриқларни сездиришга, ундан, яъни мендан, ўз зурриёдингиздан воз кечишга нима мажбур этди?!

Орзуларим, ўй хаёлларим Сизнинг биргина совуқон юзингиздаги жонсиз ифода қами кун-паякун бўлди... Энди дийдор қиёматга қолди. Бурдаланган та-нам Аллоҳ амри билан бус-бутун бўлиб, Иншоллоҳ, Маҳшар куни қаршингизда пайдо бўламан. Шунда менинг дардли, нолан-ю афронларига тула фарёдли савол-ларимга жавоб бера оласизми?!

Чўлпоной **АХМЕДОВА**, Журналистика ва оммавий ком-муникациялар университети талабаси.

Oila va jamiyat

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Обуна индекси – 176

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент – 100000. Амир Темури кўчаси 1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@mail.ru

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 2418. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топшириқди – 15:00

Навбатчи: Б. Исмоилов
Мусаҳҳих: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Маликов

ISSN 2010-7609



Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

1 2 3 4 5